

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил март ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи, суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси М.Уришованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурори ёрдамчиси С.Неъматжонов ва судланувчи А.Абдурашидовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган Абдурашидов Аббос Абдуразоқ ўғлига нисбатан 1-1109-2201/38 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдурашидов Аббос Абдуразоқ ўғли (Abdurashidov Abbos Abdurazoq o'g'li), 1994 йил 29 июлда Оққўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, Оққўрғон тумани йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси механиги, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани “Қўштепа” МФЙ, Ёшлик кўчаси 7-уйда истиқомат қилади, “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 25 февраль куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Абдурашидов ноқонуний йўл билан мўмайгина даромад орттириш мақсадида, 2022 йил 10 февраль куни соат 17:30 да отаси А.Сапаровга тегишли бўлган Оққўрғон тумани, “Бирлик” МФЙ, Гулбаҳор кўчаси, 1-уйда ҳозирда ҳеч ким яшамаётганлигидан фойдаланиб фоҳишахона ташкил қилиб, Х.Абдуалаева, Г.Абдуллаева, У.Убайдуллаев ва Ж.Муминжоновдан олган 350.000 сўм миқдоридagi пул эвазига ушбу хонадоннинг барча хоналаридан уларга шароит яратиб берганлиги тумани ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб, А.Абдурашидовдан 200.000 сўм миқдоридagi пуллар холислар иштирокида тегишли тартибда ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинган.

Судланувчи А.Абдурашидов суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, Оққўрғон тумани, Бирлик МФЙ Гулбаҳор кўчаси рақамсиз уйни 2019 йилда опаси Р.Эшонқулова турмуш ўртоғи билан биргаликда кредитга олганини, лекин ўзлари Самарқанд вилоятида яшашини, шу сабабли ушбу хонадон ҳозирда жихозланган яшаш учун тайёр ҳолатда бўш туришини, 2022 йил 10 февраль куни соат 12:00 ларда ўртоғи С.Юнусов билан гаплашиб ўтираган вақтида унинг телефонига нотаниш рақамдан бир қиз қўнғироқ қилиб, ўзини Х.Абдувалиева деб таништириб, жинсий алоқа қилиш учун жой кераклигини,



жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берса уни рози қилишини айтганида бунга рози бўлиб, улар Х.Абдувалиева билан ўзаро савдолашиб, 400.000 сўмга келишиб, 1-2 соатдан сўнг Гулбаҳор маҳалласига кириш қисмида кўришишга келишганлигини, шундан сўн улар билан келишилгандай маҳаллага кириш жойида ўзини бошқарувидаги “Собалт” русумли автомашинасида Х.Абдувалиева ва уни шерикларини кутиб турганида улар оқ рангли “Нексия” русумли автомашинада келиб тўхтаганлигини ва ушбу машинадан 4 нафар унга кейинчалик маълум бўлган Х.Абдувалиева, Г.Абдуллаева, Ж.Мўминжонов ва У.Убайдуллаев исмли йигитлар қўлида иккита пиво ва писта кўтариб тушиб келиб, машинасига ўтиришганини, шундан сўнг уларни олиб машинасида Бирлик МФЙ Гулбаҳор кўчаси рақамсиз уй ҳовлисигача олиб кириб дарвозасини ёпиб, уларни хонадон ичига киритиб ўзи ташқарига чиқиб кетаётган вақтида Х.Абдувалиева ортидан югуриб келганлигини ва қўлига 7 дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 350.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, ушбу пулларни санаб олганлигини, шундан сўнг хонадон ичидан дарвозани кулфлаб, Х.Олимжонга кетиш йўлидаги ёқилғи қуйиш шаҳобчасига бориб, 300.000 сўмга ёқилғи қуйиб, ўртоғи С.Юнусовни ёнига бориб, қолган 50.000 сўмни қарз бўлиб қолгани учун берганлигини, шу орада Х.Абдувалиева унга кўнғироқ қилиб, шерклари билан жинсий алоқани тугатганлигини, эшикни очиб уларни чиқариб юборишини айтганлигини, шундан сўнг С.Юнусов билан биргалашиб бошқарувидаги автомашинасида Бирлик МФЙ, Гулбаҳор кўчаси рақамсиз уйга бориб, эшикни очиб, ҳовлида туриб Х.Абдувалиева ва уни шерикларни чиқиб кетишини кутиб турган вақтида тўсатдан дарвоза тақиллаганлигини, шунда дарвоза олдида бориб, дарвоза ташқарисида бир нечта нотаниш эркаклар турганлигини кўрганлигини, дарвозани очганида 5 нафар ИИБ ходимлари ўзларини таништириб, икки нафар холислар билан ичкарига кириб, эшикдан кирганда ўнг томондаги биринчи хонадаги шкаф ичига бегона одамлар келганлигини сезиб яширинган У.Убайдуллаев ва Ж.Мўминжоновни, ҳаммом ичига беркинган Х.Абдувалиева ва Г.Абдуллаевани топиб чиқиб, улардан бу ерда нима қилаётганлигини сўрашганида Х.Абдувалиева уни хонадонига 350.000 сўм эвазига жинсий алоқа қилиш учун келганлигини, пулларни унга берганлигини айтганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари 350.000 сўм пулларни топиш учун аввалига уни шахсий тинтув қилишганида пулларни сарфлаб юборганлиги учун ҳеч нарса топа олишмаганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ёнида турган С.Юнусовга ҳам ёнида бўлган барча нарсаларни чиқариб кўрсатишини сўрашганида С.Юнусов ўзини ёнида бўлган пулларни чиқариб кўрсатганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари С.Юнусов ёнидан аниқланган барча пулларни ашъвий далил тариқасида олиб кетиб, ушбу пулларни ИИБ биносида серия рақамларини текшириб кўрилганида пулларнинг орасидаги 50.000 сўмлик купюра тадбир учун махсус тайёрланган пул эканлиги аниқланганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан бирга Х.Олимжондаги ёқилғи қуйиш шаҳобчасига берган



300.000 сўм миқдордаги пуллардан 150.000 сўмини қайтариб олиб келганлигини, ушбу пуллар ҳам ашъвий далил деб эътироф этилганлигини, шундан сўнг барчалари ИИБ биносига келиб, бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ҳозирда қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Абдурашидовнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан исботланган.

Гувоҳ И.Алиёров суд мажлисида, 2022 йил 10 февраль куни туман марказида шахсй ишлари билан юрган вақтида унинг ёнига икки нафар нотаниш шахс келиб, ўзларини ИИБ ходими эканлигини айтиб, тегишли гувоҳномасини кўрсатиб, бир ишда холис сифатида ёрдам беришини сўраганида бунга рози бўлганлигини, шундан сўнг улар билан машинага ўтирган вақтида машинада Одил исмли йигит ҳам холис сифатида кетётганлигини билганини, шундан сўнг улар биргалашиб ИИБ биносига кирганлигини, шу ерда 7 дона 50.000 сўмлик купюрадаги жаъми 350.000 сўм миқдоридаги пулларни рақамларини ёзиб, улардан бир нусха олиб, тадбир учун таёрлаганлигини, бу жараён хақида тузилган баённомани имзолаганлигини, Оққўрғон тумани, Қўштепа МФЙ, Ёшлик кўчаси 7-уйга бориб, ушбу хонадонни чақирганида даврвозани А.Абдурашидов очганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлар унан, уйда ким бор, нима қиляпсилар деб сўраганида А.Абдурашидов ўртоғи билан ўтирганлигини айтганлигини, улар биргалашиб хонадонни кўздан кечириш учун 5 нафар ИИБ ходимлари билан хонадонга кирганида эшикдан кирганда каридор охирида С.Юнусов турганлигини кўрганлигини, шундан сўнг улар биргалашиб хонадонни кўздан кечирганлигини каридордан кирганда ўнг томондаги биринчи хонага кирганида ушбу хонада кўрпалар ерга тўшалган ётиш учун мўлжалланган ҳолатда турганлигини кўриб, ушбу хонадаги шкаф ичини очиб кўрганида шкаф ичида икки нафар нотаниш йигитлар беркиниб ўтирганлигини кўрганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари улардан ким эканлигини нима қилиб ўтирагнлигини сўраганида ушбу икки нафар нотаниш йигитлар нима сабабдан келганлигини айтишмаганлигини, шундан сўнг кўздан кечиришни давом эттириб, чап томондаги ётоқхонадан кейинги хона эшигидан кирмоқчи бўлганида ушбу эшик қулф ҳолада бўлганлиги учун ИИБ ходимлари уй эгаси А.Абдурашидовдан калтини олиб келиб, ушбу эшикни очишини сўраб турган вақтида ичкаридан эшик очилганлигини ва улар ушбу хона яъни хаммомга кирганида ичкарида икки нафар нотаниш қаз кийинган ҳолатда беркиниб ўтирганлигини кўрганлигини, ИИБ ходимлари ушбу икки нафар нотаниш қизлардан ким эканлигини ва нима қилиб ўтирганлигини сўраганида улардан бири ушбу хонадонга жинсий алоқа қилиш учун келганлигини айтганлигини, уй эгси А.Абдурашидовни ёнида бўлган нарсалари кўздан кечирилганида унинг ёнида ҳеч қандай нарса аниқланмаганлиги учун С.Юнусовни ёнида бўлган нарсалари кўздан кечирилганида С.Юнусовни ёнида 3 дона 50.000 сўмлик ва бошқа бир нечта



10.000 сўмлик купюрадаги пуллар мавжуд эканлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинганлигини, улар барчаси биргалашиб, ИИБга келиб С.Юнусовни ёнидан аниқланган пулларни солиштириб кўрганида уларни орсидан бир дона 50.000 сўмлик купюра тадбир учун махсус тайёрланган пул эканлигини гувоҳи бўлганини, ИИБ ходимлари А.Абдурашидовдан унга хонадонда жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб берганлиги учун берилган пуллар қаерда эканлигини сўраганида, олган пулларни ёқилғи қуйиш шахобчасидан бензин қуйгани учун берганлигини айтганлигини, уни ўзи ёқилғи қуйиш шахобчасига бориб тадбир учун махсус тайёрланган 6 дона 50.000 сўмлик купюрадаги пулларни олиб келиб топширганлигини, ушбу пуллар ашёвий далил тариқасида олинганлигини, ўтказилган тадбир давомида ИИБ ходимлари томонидан А.Абдурашидовга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар ва куч ишлатиш ҳолатлари содир этилмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ С.Юнусов суд мажлисида, 2022 йил 10 февраль кун соат 12:30 ларда дўконида савдо қилиб ўтирган вақтида синфдош ўртоғи А.Абдурашидов келиб, иккаласи шу ерда гаплашиб ўтирган вақтида А.Абдурашидовни телефонига бир қиз қўнғироқ қилганлигини, улар ўзаро нималарнидир гаплашиб бўлганидан сўнг А.Абдурашидов у билан хайрлашиб, уйига кетганлигини, ордан тахминан 1 соат ўтиб А.Абдурашидов уни ёнига қайтиб келганлигини, улар галашиб ўтирганида уни телефон рақамига бундан бир неча кун илгари ўзини илтимоси билан “Клик” иловаси орқали ўтказган 50.000 сўмни яъни бир дона 50.000 сўмлик купюрани унга қайтариб берганини, шу орада у телефони орқали яна бир нотаниш қиз билан гаплашиб бўлиб, А.Абдурашидов билан бирга уни машинасида Бирлик МФЙ, Гулбаҳор кўчасидаги хонадонига бориб, дарвозадан хонадон ҳовлисига кирганида А.Абдурашидов хонадонда одамлар борлигини, улар чиқиб кетганидан сўнг эшикни қулфлаб, кетишини айтганини, улар шу ерда туриб сигарета чекиб турганида тўсатдан дарвоза тақилаганлигини, А.Абдурашидов дарвозани очганида хонадон ҳовлисига унга нотаниш бўлган 5 нафар ИИБ ходимлари 2 нафар холис билан биргаликда кириб келиб, А.Абдурашидовдан хондонда ким бор эканлигини, бу ерда нима қилиётганлигини сўраганида А.Абдурашидов хонадонда ҳеч ким йўқлигини, у билан бирга гаплашиб ўтирганлигини айтганида ИИБ ходимлари А.Абдурашидовни гапларига ишонмасдан, яшаш хонаини кўздан кечириб чиқишини айтиб, хонадонга кириб кетишганини, аввалги хона эшигидан кирганда ўнг томондаги хона ичидаги шкафда ИИБ ходимлари келганлигини билиб, беркиниб ўтирган икки нафар нотаниш йигитларни топиб чиқишганлигини, ундан кейин ҳаммом ичида ўтирган яна икки нафар нотаниш қизни олиб чиқиб, улардан нима сабабдан бу ерга келганлигини сўрашганида нотаниш қизлардан бири бу ерга жинсий алоқа қилиш учун келганлигини, жинсий алоқ қилишга шароит яратиб берганлиги учун хонадон эгаси А.Абдурашидовга 350.000 сўм миқдоридан пул берганлигини айтганлигини, шу пайт А.Абдурашидов хонадонда 4 нафар шахсларни



жинсий алоқа қилишлари учун пул эвазига шароит яратиб берганлигини билганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари унинг ёнида бўлган нарсаларни кўздан кечирганида А.Абдурашидовни ёнида ҳеч нарса аниқланмаганлиги учун ИИБ ходимлари уни ҳам ёнида бўлган нарсаларни кўздан кечириш давомида ўзида бўлган пулларни аниқлаб, ашёвий далил тариқасида расмийлаштиришганлигини, тадбир давомида ИИБ ходимлари томонидан А.Абдурашидовга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар ва куч ишлатиш ҳолатларини содир этилмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ Г.Абдуллаева суд мажлисида, 2022 йил 10 февраль куни Оққўрғон туман ИИБ биносига шахсий ишлари билан келган вақтида, туман ИИБ ходимлари унга бир шахс фохишахона сақлаб келаётганлиги ҳолати юзасидан тадбир ўтказишмоқчи эканликларини, шу боис ушбу тадбирда иштирок этиши ҳақида сўрашганлигини, шунда уларни таклифига рози бўлганлигини, сўнгра туман ИИБда ушбу тадбирга У.Убайдуллаев, Ж.Мўминжонов ва Х.Абдувалиева жалб этилганлигини билганлигини, сўнгра ИИБ ходимлари яна 2 нафар шахсларни холис сифатида таклиф этишиб, тадбир иштирокичиси Х.Абдувалиевага ўз хонадонида фохишахона ташкил қилаётган А.Абдурашидовга телефон қилиб, унга жинсий алоқада бўлиш учун алоҳида хона ажратиб бериши ҳақида айтишини тушунтиришганлигини, Х.Абдувалиева А.Абдурашидовга кўнғироқ қилиб, жинсий алоқада бўлиш учун жой кераклигини, агарда яшаш хонадонидан жой берса 1-2 соат дам олганлиги учун 350.000 сўм пул беришини таклиф қилганида А.Абдурашидов Х.Абдувалиевани таклифига рози бўлиб, унга уйини тушунтириб, ўша ерга келса ўзи кутиб олишини тайинлаганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари Х.Абдувалиевага холислар иштирокида ҳаммаси 50.000 сўмлик купюрадаги 7 дона жами 350.000 сўм пулларни А.Абдурашидовга бериш учун беришганлигини, ҳар бир купюраларини баённомада қайд этишганлигини, мазкур ҳолатларни 2 нафар холислар ҳам кузатиб туришганлигини, улар баённомага имзо қўйиб беришганлигини, шундан сўнг у Х.Абдувалиева, Ж.Мўминжонов ва У.Убайдуллаев биргаликда А.Абдурашидов телефонда тушунтирган жой Оққўрғон тумани, Бирлик МФЙ, Гулбаҳор кўчаси 1-уйга соат тахминан 17-00 да етиб борганлигини, уларни у ерда А.Абдурашидовни бир ўзи кутиб олиб, уларни ўзини уйига олиб кириб, мазкур хонадонда бемалол дам олишларини тайинлаб, уларга жинсий алоқада бўлиш учун шарт-шароитларни яратиб берганлигини, сўнгра Х.Абдувалиева шу ерда А.Абдурашидовга уларга шарт-шароит яратиб берганлиги учун тадбир учун берилган жами 350.000 сўм пулларни берганлигини, А.Абдурашидов пулларни олиб, ўзини ишлари борлигини айтиб чиқиб кетганлигини, ушбу хонадонда у У.Убайдуллаев билан Ж.Мўминжонов эса Х.Абдувалиева билан жинсий алоқада бўлиб, тахминан 1 соатдан ошиқ вақт дам олганлигини, шундан сўнг А.Абдурашидов С.Юнусов билан ўз бошқарувидаги оқ рангли “Коблат” русумли автомашинасида кириб келишганлигини, бу вақтда улар жинсий алоқада бўлиб, ювиниб кийимларини кияётган бўлишганини, шу орада



А.Абдурашидовни уйини эшиги тақиллаганлигини, эшикни А.Абдурашидовни ўзи очганлигини, шу вақтда мазкур хонадонга туман ИИБ ходимлари 2 нафар холислар иштирокида кириб келишганлигини, А.Абдурашидов улардан шубхаланмасин деб у ва Х.Абдувалиева ҳаммом ичига кириб яшиниб олганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни топиб чақиришганлигини, А.Абдурашидовни хонадонда улар нима қилиб юрганлигини ва нимага келганлигини сўраганида, улар туман ИИБ ходимларига қизлар билан жинсий алоқада бўлиш учун келганини, улар билан жинсий алоқада бўлиши учун А.Абдурашидов ўз хонадондан шарт-шароит яратиб берганлигини, бунинг эвазига Х.Абдувалиева А.Абдурашидовга 350.000 сўм пулларни берганлигини айтганлигини, сўнгра ИИБ ходимлари А.Абдурашидовдан мазкур пуллар қаерда эканлигини сўраганида А.Абдурашидов пулларни бермаганлиги учун холислар иштирокида шахсий тинтув қилинганда уни ёнида ҳеч нарса чиқмаганлигини, мазкур ҳолатларни барчаси видео тасвирга туширилиб олинганлигини, барчасини туман ИИБга олиб келишиб, ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганлигини, тадбир давомида ИИБ ходимлари томонидан А.Абдурашидовга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар содир этилмаганлигини баён қилди.

Судланувчи А.Абдурашидовнинг айби ўзининг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, билдирги, ашёвий далилни олиб қўйиш баённомаси, дастлабки тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова, нарсани далилий ашё деб эътироф этиш ва депозит ҳисобга топшириш ҳақида қарори, тарафларнинг розилиги билан суд мажлисида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳлар О.Бамшинов, У.Убайдуллаев, Ж.Мўминжонов ва Х.Абдувалиеванинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Абдурашидовнинг “Ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фоҳишахона ташкил этиш”да ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, шу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.



Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи А.Абдурашидовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг шахсини, айбига иқрорлигини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиб, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, у айбли деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси 5-қисмида, жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкый зарарни қоплашга ўтказилади, мулкый зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади, деб қайд этилган.

Шунга кўра, ашёвий далил деб эътироф этилиб, Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 200.000 сўм пулни давлат фойдасига ўтказишни;

жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган икки дона “DVD” дискни жиноят ишида сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Абдурашидов Аббос Абдуразоқ ўғли (Abdurashidov Abbos Abdurazoq o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Абдурашидовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан сутканинг соат 22:00 дан 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойи – Тошкент вилояти, Оқкўрғон тумани “Қўштепа” МФЙ, Ёшлиқ кўчаси 7-уйдан чиқиши чекланган ҳолда 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Маҳкум А.Абдурашидовнинг зиммасига:

- алкогольли ичимликлар истеъмол қилинадиган ва кўнгилочар жойлар (кафе, бар, ресторан ва тунги клублар)га бормаслик;

- оммавий тадбирлар (байрам сайллари ва намойишлар)да иштирок этмаслик;

- муқаддам судланган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

- жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойларини ўзгартирмаслик ҳамда Оқкўрғон тумани ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклатилсин.



Жазони ижро этиш Оққўрғон туман ИИБнинг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум А.Абдурашидов жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Абдурашидовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Маҳкум А.Абдурашидовга жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган тақдирда, суд унга нисбатан тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги ҳамда озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг ҳисоб рақамига сақлаш учун топширилган 200.000 сўм пул давлат эгалигига ўтказилсин.

Жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган икки дона “DVD” диск жиноят ишида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум эса, ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

имзо

С.Т.Исакулов

Нусха аслига тўғри:

